

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>Ш.Абдусаторов</b>	
Анъанавий ўзбек таомларидаги ўзгаришлар ва ундаги новациялар .....	179
<b>А.Акбаров, Д. Абдуллаева</b>	
“Билса эди чечаклар, гуллар...” .....	183
<b>Д.Хошимова, М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий ифодаларнинг прагматик тадқиқи .....	186
<b>К.Марасулов</b>	
Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши .....	189
<b>М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятлари .....	193
<b>М.Хусанова</b>	
Фарида Афрўз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни оширувчи восита сифатида .....	196
<b>Д.Исроилова, Н.Ашурова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари .....	200
<b>Д.Юлдашева</b>	
Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши .....	204
<b>З.Акбарова</b>	
Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир .....	207
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилиши .....	209
<b>Ш.Алиева</b>	
Тил ва нутқ ҳодисалари .....	213
<b>М.Ҳожиева</b>	
Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида .....	217
<b>Ш.Дадабаева</b>	
Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши .....	220
<b>Д.Турдалиева</b>	
Мақолларнинг прагматик функционаллиги .....	223
<b>А.Мусаев</b>	
Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи .....	226

---

 ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
 

---

Илмга бахшида умр .....	229
-------------------------	-----

УДК 811.512.133

ҚИЁСЛАШ МАЗМУНИНИНГ СОДДА ГАПЛАР ДОИРАСИДА ИФОДАЛАНИШИ  
 ВЫРАЖЕНИЕ СРАВНИТЕЛЬНОГО СОДЕРЖАНИЯ В РАМКАХ ПРОСТОГО  
 ПРЕДЛОЖЕНИЯ

EXPRESSION OF COMPARATIVE CONTENT WITHIN A SIMPLE SENTENCE

Дадабаева Ширин Шухратовна

**Аннотация**

Ўзбек тилшунослигида қиёсий содда гапларнинг соф қиёсий ва ўхшатиш содда гаплар каби турлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, улар икки эмас уч ҳукмдан иборат. Ушбу гап турларининг таркибидаги қиёс элементларининг гапдаги жойлашуви ва синтактик позицияси ўзига ҳос мураккаб хусусиятга эга.

**Аннотация**

В узбекском языкознании существуют такие виды сравнительно простых предложений, как чисто сравнительные и аналогичные простые предложения. Расположение и синтаксическое положение сравнительных элементов в структуре этих типов предложений в предложении имеет особенно сложный характер.

**Annotation**

In Uzbek linguistics there are such types of comparative simple sentences as pure comparative and analogical simple sentences. The location and syntactic position of the comparative elements in the structure of these sentence types has a peculiarly complex character.

**Таянч сўз ва иборалар:** Қиёсий содда гаплар, соф қиёсий содда гаплар, ўхшатиш содда гаплар, силлогизм, энтимема.

**Ключевые слова и выражения:** сравнительные простые предложения, чистые сравнительные простые предложения, аналогии простых предложений, силлогизм, энтимема.

**Key words and expressions:** Comparative simple sentences, pure comparative simple sentences, analogy simple sentences, syllogism, entimema.

Қиёслаш муносабати кенг қамровли, фалсафий ва барча тилларда мавжуд универсал категория ҳисобланади. Ушбу категориянинг ўзига ҳос яна бир хусусияти шундаки, қиёс мазиунидаги гаплар бошга гап турлари сингари фақатгина икки ҳукмдан (субъект ва предикат) эмас, балки уч ҳукм (субъект, предикат, объект)дан иборат бўлади.

Ўзбек тилшунослигида Н.Маҳмудов М.Н. Черемисинанинг  $\{A[\beta(B)]\}$  формуласидан фойдаланган ҳолда, қиёслаш муносабатининг таркибини кўрсатувчи  $(A[(B)\beta]C)$  формулани беради [3, 92]. Бунда  $A$  қиёс субъекти,  $B$  қиёс объекти,  $C$  қиёс асоси,  $\beta$  қиёснинг шаклий кўрсаткичини ифода этади.

Ушбу формула асосида тузилган содда гаплар қиёсий содда гаплар, деб номланиб, мазмунан улар икки турда учрайди:

1. Ўхшатиш содда гаплар
2. Соф қиёсий содда гаплар

1.Ўхшатиш содда гаплар ҳақида гапирилганда, *силлогизм* ни билиш мақсадга мувофиқдир. Силлогизм (*юнонча, икки фикрдан чиқарилган учинчи фикр-хулосалаш*) [5, 48] бу икки ҳукмдан учинчи ҳукмни чиқариш демақдир. Унинг икки: тўлиқ ва қисқартирилган тури мавжуд бўлиб, биринчи тури аниқ фанларда, кейингиси эса тилшунослик ва фалсафий фанларда ишлатилиб, *энтимема* деб номланади [3, 92] ва асосан, ўхшатиш содда гаплар орқали ифодаланади.

Масалан, *У қизнинг қўли муздек совуқ эканлини пайқади.* ("Мартин иден")

Ушбу мисолнинг тўлиқ силлогизми қуйидагича: *Муз совуқ бўлади. Қизнинг қўли музга ўхшайди. Қизнинг қўли совуқ.* Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, *қизнинг қўли* бир пропозицияни, *муздек* иккинчи пропозицияни ташкил этади. Булар *совуқ* сўзи асосида боғланиб, ўхшатиш муносабатини, яъни учинчи пропозиция - *Қизнинг қўли муздек совуқ* ни

келтириб чиқаради. Бу энтимемик ҳолат ҳисобланиб, нутқда қиёслаш муносабатини ифодаловчи ўхшатиш содда гаплар ёрдамида реаллашади.

Ўхшатиш содда гапларда қиёс асоси сифат ёки феъл туркумига оид сўзлар билан ифодаланган. Агар қиёс асоси сифат туркумига оид сўз билан ифодаланганса, қуйидаги ҳолатлар кузатилади: ўхшатиш элементларининг ўрни ўзгаради ёки аксинча бўлади.

Биринчи ҳолатда, қиёс субъекти қиёс эталони ва асосидан олдин келиб, асосан, эга вазифасида, қиёс эталони аниқловчи, кесим, тўлдирувчи, қиёс асоси эса от-кесим, ҳол аниқловчи вазифасида келади.

*Оқ сўйлоқ бошқа итларга нисбатан хийла зийрак эди. (“Оқ сўйлоқ”)*

Ушбу мисолда қиёс субъекти *оқ сўйлоқ* эга вазифасида, қиёс эталони *итларга* - тўлдирувчи, қиёс асоси *зийрак эди* эса от- кесим вазифасида келган.

Иккинчи ҳолатда қиёс субъекти қиёс эталони ва асосидан кейин келиб, у тўлдирувчи, эга, қиёс эталони ва асоси аниқловчи аниқланмиш қолипиди шаклланади:

*Унинг ориқ, қайишқоқ баданида арқондек пишиқ, темипдек қаттиқ мушаклар пайдо бўлди. (“Оқ сўйлоқ”)* Ушбу мисолда қиёс субъекти қиёс эталони ва асосидан кейин келиб, эга вазифасида, қиёс эталони ва асоси аниқловчи аниқланмиш вазифасида юзага чиқмоқда.

Агар қиёс асоси феъл туркумига оид бўлса, унда ҳам юқоридаги каби қиёс субъектининг икки ҳолатда келиши, яъни қиёс элементларининг ўрни ўзгарган ёки ўзгармайдиган ҳолатда бўлади:

*Боланинг чинқириғи унинг юрагига тиғдек санчилди. (“Мартин Иден”)* Ушбу мисолда қиёс асоси феъл туркумига оид сўз билан (*санчилди*) ифодаланган. Қиёс субъекти (*чинқириғи*) қиёс эталони (*тиғдек*) ва қиёс асоси *санчилди* дан олдин келиб, эга вазифасида, қиёс эталони ҳол, қиёс асоси кесим вазифасида келган.

*Унинг чўғдек ёниб турган юзларидан алам ёшлари оқиб тушарди. (Мартин Иден)* Ушбу иккинчи ҳолатда эса қиёс субъекти қиёс эталони ва асосидан кейин келиб, тўлдирувчи вазифасида, қиёс эталони аниқловчи, асоси эса сифатдош ҳолатда аниқланмиш вазифасида келган.

Қиёсий содда гапларнинг иккинчи тури соф қиёсий содда гаплар бўлиб, бу гапнинг асосий мақсади икки қиёсланаётган объектнинг фарқини кўрсатиб беришдан иборат. Ушбу фарқ иккала объектга тегишли бўлган белгининг даражасига кўра белгиланади, чунки ушбу даража икки объектда тенг ифодага эга эмас.

Ўзбек тилида бошқа тиллар каби қиёсий даража йўқ. ( *-роқ* қўшимчаси озайтирма даражанинг шаклий кўрсаткичи ҳисобланади.) Шу сабабдан ҳам, ушбу гап тури –дан чиқиш келишиги ва *кўмакчилар* ёрдамида ифодаланган. (баъзан –*га жўналиш келишиги ҳамда кўмакчилар* ёрдамида )

*У лақма одамлардан кўра сезгирроқ экан. (“Оқ Сўйлоқ”)* Ушбу гап соф қиёсий содда гапга мисол бўлиб, унда ўхшатиш содда гап каби қиёс субъекти (У)-А, қиёс эталони (*лақма одамлар*)-В, қиёс асоси (*сезгирроқ экан*)-С ва даражанинг шаклий кўрсаткичи (-дан) – β мавжуд. {A[B(β)C]}

У ҳам ўхшатиш содда гаплар каби икки пропозиция *лақма одамлар сезгир* ва *у сезгир* дан иборат. Лекин иккала пропозициядаги предикатлар - *сезгир* сўзи иккала субъект учун умумий бўлгани учун, қиёс субъектига предикацияланган, яъни бир маротаба ишлатилиши жоиз бўлган: *У лақма одамлардан кўра сезгирроқ экан.*

2. Соф қиёсий содда гапларнинг иккита тури мавжуд:

1. Қиёс асоси сифат ва равиш туркумига оид сўз билан ифодаланган соф қиёсий содда гаплар;

2. Қиёс асоси феъл туркумига оид сўзлар билан (сифат ва равиш билан бирга) ифодаланган соф қиёсий содда гаплар [3, 92].

*Эҳтимол, бўридан кўра кўпроқ итга яқиндир. (“Оқ Сўйлоқ”)* Ушбу гап биринчи турга мисол бўлиб, қиёс асоси равиш туркумига оиддир. Бу гапда қиёс субъекти (*итга*) тўлдирувчи вазифасида, қиёс эталони (*бўридан*) ҳам тўлдирувчи, қиёс асоси эса (*яқиндир*) от- кесим позицияда келган.

*Бошқа жойдан келганларни жиннидан баттар ёмон кўришарди. (“Оқ Сўйлоқ”)* Ушбу гап иккинчи турга мисол бўлиб, қиёс асоси (равиш билан бирга) феъл туркумига оид сўз билан ( *ёмон кўрмоқ*) ифодаланган. Бу гапда қиёс субъекти (*келганларни*) тўлдирувчи,

қиёс эталони (*жиннидан*) ҳам тўлдирувчи, қиёс асоси эса (*ёмон кўришарди*) кесим вазифасини бажаради.

Баъзан соф қиёсий содда гапларда қиёс эталони *ҳаммадан*, *ҳеч кимда* каби сўзлар билан ифодаланади ва *пайт маъносини берувчи кўмакчилар* билан бирга келади [3, 99-100].

Агар қиёс эталони *ҳаммадан* сўзи билан ифодаланганса, гапда ҳеч қандай синтактик позицияга эга бўлмайди. У ўзидан кейин келган сўз(сифат ёки равиш туркумига оид бўлган) билан бирга, маълум бир синтактик ўринга эга бўлади.

*Барча илмларнинг бир-бирига боғлиқ эканлиги Мартинни ҳаммадан кўпроқ таъжублантирган эди.* (Мартин Иден) Ушбу мисолда қиёс эталони *ҳаммадан* яқка ҳолда ҳеч қандай синтактик вазифа бажара олмайди. Бу сўз ўзидан кейинги қўлланадиган *кўпроқ* сўзи билан бирга олинган ҳолдагина ҳол вазифасида келиши мумкин.

*Ҳаммадан кўпроқ у муҳаррирлар билан ҳам, ёзувчилар билан ҳам таниш бўлмаганидан ҳижолатда эди.* (Мартин Иден) Ушбу мисолда ҳам қиёс эталони *ҳаммадан* сўзи билан ифодаланган, ўзидан кейинги сўз *кўпроқ* сўзи билан бирга ҳол вазифасида келган.

Агар қиёс эталонидан сўнг *кейин*, *аввал*, *олдин*, *бурун*, *сўнг* каби кўмакчилар келса, гапдаги пропозиция олдинма -кетин бажарилишига кўра фарқланади. Фақат бунда қиёс субъектлари мазмунан бир бўлиши (шаҳсга шахс, ҳаракатга ҳаракат) ва пропозиция предикатлари тенг бўлиши керак.

*Аммо капитан Немо мендан олдинроқ улгурди.*

*Нед Лэнг мендан олдинроқ чиққан эди.* (“*Суз остида 80000 километр*”)

Ушбу ҳолатда қиёс субъекти, асосан, эга, воситали ва воситасиз тўлдирувчи, ҳол вазифаларини бажаради. Юқоридаги мисолларда қиёс субъектлари эга вазифасида келган.

Хуллас, ўхшатиш содда гаплар каби соф қиёсий содда гапларда ҳам қиёс асоси феъл туркумига оид сўз билан ифодаланганда икки ҳолат кузатилади:

1. Қиёс элементларининг ўрни тўғри ҳолатда, яъни қиёс субъекти қиёс асоси ва эталонидан олдин келади;

2. Қиёс элементларининг ўрни тескари, яъни қиёс субъекти қиёс асоси ва эталонидан кейинги ўринда жойлашади.

Кўринадик, қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилганидек турли кўринишларда намоён бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксис асослари. – Т.: Ўзбекистон фанлар академияси, 1958.
2. Бердалиев А, Шеронов Б. Ўзбек тили синтаксиси. – Хўжанд, 2010.
3. Маҳмудов.Н, Нурмонов.А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Расулов И. Танланган асарлар (II жилд). – Т.: Мумтоз сўз, 2015
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – М.: “Рус тили”, 2000.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)